

4-3-2018

## Rebellious spirit in the work "The sufferings of young Verter"

O. DADAJONOV

*Fergana state university, Ferghana, str, Murabbiylar 19, fdjournal@fdu.uz*

Follow this and additional works at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu>



Part of the [Linguistics Commons](#)

---

### Recommended Citation

DADAJONOV, O. (2018) "Rebellious spirit in the work "The sufferings of young Verter"," *Scientific journal of the Fergana State University*. Vol. 1 , Article 42.

DOI: 8-1/-3

Available at: <https://uzjournals.edu.uz/fdu/vol1/iss1/42>

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific journal of the Fergana State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact [sh.erkinov@edu.uz](mailto:sh.erkinov@edu.uz).

УДК: 8-1/-3

**“ЁШ ВЕРТЕРНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ” АСАРИДА ИСЁНКОРЛИК РУҲИ  
БУНТАРСКИЙ ДУХ В ПРОИЗВЕДЕНИИ “СТРАДАНИЯ ЮНОГО ВЕРТЕРА”  
REBELLIOUS SPIRIT IN THE WORK “THE SUFFERINGS OF YOUNG VERTER”**

**О.Дадажонов**

**Аннотация**

*Мақолада Гётенинг сентиментализм руҳидаги асари мисолида қаҳрамон руҳий-маънавий дунёсининг бадиий талқини таҳлил этилган*

**Аннотация**

*В статье на примере сентиментального произведения Гёте анализируется художественное толкование духовного мира главного героя*

**Annotation**

*In this article the artistic interpretation of inner development of main character with the use the sentimental work by Goethe as example is analyzed.*

**Таянч сўз ва иборалар:** *ички кечинма, образ, эҳтирос, табиат, қаҳрамон, қалб, фикр, дўст.*

**Ключевые слова и выражения:** *внутренние переживания, образ, страсть, природа, характер (персонаж), душа, мысль, друг.*

**Key words and expressions:** *intuition, image, emotion, nature, character, soul, thought, friend.*

Буюк немис адиби Гётенинг “Ёш Вертернинг изтироблари” асари жаҳон адабиёти тарихида эпистоляр жанрда ёзилган дурдона асарлардан бири ҳисобланади.

Мактуб – кўнгил кўзгуси. Муаллиф романда мактублардан инсон шахсидаги барча хусусиятлар, хусусан, соф туйғулар, ички кечинмаларнинг ёрқин тасвиридан унумли фойдаланган. Хатлар, инсоний сифатлар билан бир қаторда ижодкор яшаган давр муҳити, унинг чинакам халқчиллиги, исёнкорлиги ва мустабид ҳокимият тузумига қарши кескин норозилик ғояларини ифодалашга хизмат қилган. Романда кўтаринки ҳис-туйғулар, эҳтиросли кўнгил кечинмалари Вертер орқали талқин этилади. Асарнинг бошқа эпистоляр асарлардан фарқи шундаки, у ошиқ-маъшуқларнинг бир-бирларига ёзган хатларидан эмас, бош қаҳрамон Вертернинг ўз дўстига ёзган хатларидан ташкил топган.

XVIII аср Европа маърифатчилари ўз асарларида “табиий одам” характерини очишда инсоннинг табиий хусусиятлари билан бирга муҳитнинг ролига алоҳида эътибор қаратганлар. Гёте бош қаҳрамон Вертерни севгилисидан айрилгандан сўнг бутунлай ўзга муҳитга олиб бориб

қўйди. Қаҳрамон бундай муҳитга осонгина кўникмади, у ердаги кишилар ўзи таниган, билган одамлардан бутунлай фарқ қиларди. Уларнинг соддалиги, хушчақчақлиги, самимийлиги ва, албатта, меҳнаткашлиги Вертерни эътиборини тортди. Бироқ улар билан фақат кечки пайтлари ёки ҳар хил байрамлардагина дилдан суҳбатлашиш имкониятига эга бўларди. Чунки у ердаги кишилар кунни фақат меҳнат билан ўтказишарди. Вертер бу ерда оддий халқ ҳаёти билан яқиндан танишиб, уларни юқори табақа тоифасига кирувчи инсонлар ҳаёти билан таққослади. Шунда Вертер бу икки тоифага мансуб кишилар ўртасидаги фарқни чинакам англаб етди.

Масалан: “Баъзилар инсон ҳаётини тушга қиёслайди, менда ҳам шу туйғу ҳукмрон. Инсондаги барча қобилиятларнинг ҳар томондан чеклаб қўйилганини кузатганимда, унинг барча интилишлари турмуш эҳтиёжларини қондиришга қаратилганини, бу эса ҳаётимизни тагин ҳам узайтиришдан ўзга нарса эмаслигини кўрганимда ва, ниҳоят, бошқа илмий масалалардаги хотиржамлик, ўзлари қамалиб олган уйларнинг деворларини турли-туман расмлар ҳамда ранг-баранг

*О.Дадажонов – ФарДУ факультетлараро чет тиллари кафедраси ўқитувчиси.*

шакллар билан беаган ҳаёлпарастларнинг ғариб итоатгўйлигидан ўзга нарса эмаслигини сезганимда... биласанми, Вилхелм, булар мени тилсиз қилиб қўя қолади” [1.13].

Асарни мутолаа қилиш жараёнида романда муаллиф биографиясига яқин ҳолатларни кузатиш мумкин. Гётенинг отаси ўз фарзандини бошқа касбни эгаллашини хоҳлаган ва унинг тарбиясига болалигиданоқ катта эътибор қаратган. Нафақат ақлий балки жисмоний томондан ҳам Гёте ўз замонасининг, илғор ёшларидан эди. Отаси Ёханн Вольфгангни болалик йиллариданоқ ҳуқуқшунослик фанини эгаллашга мажбур этган. У ўз истагига қарама-қарши ўлароқ, айрим китобларни деярли ёд олган. Отасини хоҳиши билан Гёте аввалига Лайпциг, кейинчалик Страсбург университетларининг ҳуқуқшунослик факультетида таълим олди. Университетда ўқиш уни зериктирар, у кўп вақтини адабиёт ва санъат билан шуғулланишга, ижодга сарфларди. Табиатда содир бўладиган турли-туман ҳодисалар, кишилар ўртасидаги зиддиятли тўқнашувлар унинг дунёқараши ва фикрини буткул ўзгартириб юборганди. 1775 йилининг ноябрида Карл Август адибни Ваймарга ўз саройига таклиф қилади. Давлат арбоби сифатида шоир катта ҳажмдаги иш олиб борди ва ижтимоий-сиёсий ҳаётда ҳам фаол қатнашди. Гёте Ваймарда кўп соҳаларда ислохатлар қилишга улгурди. Аммо феодал-монархия тузуми барча орзуларни амалга ошишига йўл қўймади. Ёзувчи ушбу воқеаларни ўз қаҳрамони орқали баён этгандек тасаввур пайдо бўлади.

Масалан: “О, дўстларим! Буюк заковат чашмаси нега бунчалик кам тошади, нега тортинчоқ қалбларингиз ўз тўлқинлари билан сизни ларзага солади? Қимматли дўстларим, негаки дарёнинг ҳар икки қирғоғида, ҳавфнинг олдини олиб, шийпонлари, гулпушталари, экинзорларини сув ювиб кетмаслиги учун аввалдан тошқинни қайтарувчи канал ва тўғонлар қуриб қўйган мулоҳазали жаноблар яшайди” [2.15].

XVIII аср Европада ўрта асрчилик тартибларига қарши кураш авж ола бошлагани каби адабиётда ҳам бу кураш жанговар маърифатчилик руҳини олға бошлади. Ўзининг антифеодал моҳияти билан ажралиб турадиган маърифатчилик адабиёти феодализмга қарши курашаётган, ҳали у вақтда прогрессив руҳда бўлган ва халқ ҳаракатидан фойдаланаётган буржуазиянинг фалсафий ва сиёсий таълимоти билан суғорилган эди. Улар инсоннинг ақлий фаолиятига, одамийлик фазилатларига юқори баҳо берганлар, ақлу-инсофга бегона бўлган зулми, жаҳолатни қоралаганлар.

Адиб юқоридаги фикрлари орқали ўз халқини азоблаган ва ҳолдан тойдирган барча кўргиликларни Вертер мисолида тасвирлади. Мавжуд урф-одатларга ва қонунларга қарши курашувчи қаҳрамон образи романда асосий ўрин эгаллаган ва етакчи ғоявий курашда „исёнкорлик руҳи“ муҳим аҳамият касб этган. Гарчи муаллиф ўз қаҳрамонини ҳалокатга олиб борса-да, бу мардона норозиликнинг ўзи ёш авлодни инсон шаъни ва қадри йўлида курашга чорлаган.

Масалан: “Ҳа мен оламни кезиб юрувчи дарбадарман, сизлар мендан ортиқмисизлар?” [3.79].

Бу оламда шундай инсонлар борки, уларнинг инсонпарварлиги осмонлардан ҳам юксакроқ, аксинча, шундай инсонлар борки, уларнинг тубанлиги энг қуйи ботқоқликдан ҳам чуқурроқдир. Вертер ўзгалар қувончи учун ўзини қурбон қилишни олий бахт деб билади.

Масалан: “Жамиятда кўзга кўринган мавқеини эгаллаган кишилар гўё обрўдан айрилиб қолишдан чўчигандек, оддий фуқородан ўзларини четга тортадилар: ана шундай беқарорлар ичиқора такасалтанглар ҳам топиладики, улар ўзларини гўё оддий халққа илтифот кўрсатгандек тутадилару, бу билан ўз калондимоғликларини янада кўпроқ намоён қиладилар” [4.11].

Кўплаб танқидий асарларда Вертернинг ҳалокатга учрашини феодал тузуми, унда кишиларнинг табақаларга

бўлиниши, чегараланиши оқибати билан изоҳлайдилар. Балки шундайдир, бироқ ҳар қандай жамиятда ҳам бундай воқеаларга дуч келиш мумкин.

Бизнингча, Вертерни ҳалокатга олиб борган омил, ижтимоий муҳитдан ташқари, севгилисига етишолмаганлиги билан ҳам белгиланади. Бу икки ҳолат Вертерни умрини охиригача ҳолдан тойдирди. Қаҳрамон қалбида жунбишга келган кучли ҳис-ҳаяжонни ёки бўлмаса ҳаддан ортиқ қайғу-изтиробларни кўтара олмади. У кўп ўйлади, барчасини эсдан чиқаришга уринди, аммо яқунда бундай бўлиб чиқмади. Ҳаммасига ўзи яқун ясаб қўя қолди. У бутун умри давомидаги кузатишлари, қувонч-изтироблари, ҳаяжону руҳий тушкунликлари, ёруғ олам ва инсоният олдидаги интилиш ва

курашлари, чексиз-чегарасиз заковати ўз қалби олдидан ожиз қолди.

Шундай қилиб, Гёте соф инсоний туйғулар соҳиби Вертер тимсолида адабиётга ўзгача нафас олиб кирди. Бу нафас феодал олами ва унинг урф-одатларини танқид қилишга жиддий таъсир кўрсатаиб, қаҳрамонни исёнкорлик руҳидаги фикрлари халқни олға юришга ундади. Бу эса ўша давр жамияти учун керак бўлган билимли, маърифатли кишилар сонини кўпайтирди ва буржуазиянинг феодализмга қарши кураши авж олган даврдаги ақлий ҳаракатида ўз ифодасини топди. Натижада инсоннинг ақлий фаолиятида, одамийлик фазилатлари, ривожланди. Бундай ўзгариш ҳукумронлик қилиб келаётган феодал тузумига зарба бериб жамият тараққиётини янги босқичга олиб чиқди.

#### References:

1. Egamova Ya. Yosh Verterning iztiroblari. – Т.: “Yangi asr avlodi», 2006
2. Saidov A. Gyote-yurist. – Т.: “O‘zbekiston”, 2010
3. Tarjimonlik san‘atkorlikdir. // “Yoshlik” jurnali. -2013 yil, 12-son.
4. Akbarov M. Hikmatlar xazinasi. – Т.: “SHarq”, 2008.
5. Saidov U. “Milliy uyg‘onish davri o‘zbek adabiyotida komil inson masalasi“ mavzusidagi fil.fan.nom.ilmiy darajasini olish uchun yozilgan dissertatsiya avtoreferati. –Т., 2002

*(Тақризчи: А.Қосимов, филология фанлари доктори).*